

АДВОКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Эгамов Хамробек Хамид ўғли

Жиной одил судлов факультети талабаси

E-mail: egamovxamrobek57@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адвокат мустақиллигини таъминлашнинг айрим илмий-назарий масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, муаллиф томонидан Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг адвокат мустақиллигига оид фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, илмий мунозарага киришилган. Жумладан, адвокатнинг мустақиллигини таъминлашдаги айрим муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, илмий-назарий хулосаларга келинган.

***Калит сўзлар:** адвокат, адвокатура, адвокатлик фаолияти, адвокат мустақиллиги, юридик ёрдам.*

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕЗАВИСИМОСТИ АДВОКАТОВ

Эгамов Хамробек Хамид ўғли

Студент факультета Уголовного правосудия

E-mail: egamovxamrobek57@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются некоторые научно-теоретические вопросы обеспечения независимости адвоката. Также автор проанализировал мнения узбекских и зарубежных ученых о независимости адвокатов и начал научную дискуссию. В частности, были детально проанализированы некоторые проблемы обеспечения независимости адвоката и сделаны научно-теоретические выводы.

***Ключевые слова:** адвокат, адвокатская контора, адвокатская деятельность, независимость адвоката, юридическая помощь.*

THEORETICAL AND LEGAL ISSUES OF ENSURING THE INDEPENDENCE OF LAWYERS

Egamov Xamrobek Xamid o'g'li

Student of the Faculty of Criminal Justice

E-mail: egamovxamrobek57@gmail.com

ABSTRACT

This article discusses some scientific and theoretical issues of ensuring the independence of a lawyer. The author also analyzed the opinions of Uzbek and foreign scientists on the independence of lawyers and began a scientific discussion. In particular, some problems of ensuring the independence of a lawyer were analyzed in detail and scientific and theoretical conclusions were drawn.

Keywords: lawyer, law office, advocacy, lawyer independence, legal assistance.

КИРИШ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларни малакали юридик ёрдам олиш имконияти билан таъминлаш ва адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш асосида шу соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Адвокат мустақиллигини конституциявий норма даражасида мустақамлаш мақсадида Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида адвокатура институтига бағишланган алоҳида боб киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 141-моддасига биноан, адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланиши, 142-моддада эса, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслиги, шу билан бирга адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланган.

Айтиб ўтиш лозимки, адвокатнинг мустақиллиги ҳар қандай мамлакат фуқароларининг одил судловга ишончини таъминлаш учун асосий шартлардан бири ҳисобланади. Адвокатнинг мустақиллиги масаласи кўп маротаба шиддатли муҳокамаларга сабаб бўлган. Аввало, “мустақиллик” атамаси маъносини аниқлаб олиш керак. Бу борадаги шарҳларни “Адвокатура назарияси” муаллифлари беришган. Уларнинг фикрича, “мустақиллик” атамаси давлат ва адвокатура ўртасидаги боғланишни ифодалаш мақсадида ишлатилади. Ҳақиқатдан ҳам адвокатуранинг давлатдан “мустақилиги” деганда касбий фаолиятда адвокатлар ва адвокатуралар, умуман олганда, адвокатура давлат органлари тизимига кирмаслиги, адвокат эса давлат хизматчиси эмаслигини тушуниш лозим. Адвокатуранинг мустақиллиги – адвокатнинг касбий фаолияти ва адвокатуранинг ташкилий тузилмаси давлат органлари ва айрим ижтимоий институтларнинг дискриминациясиз ва ноқонуний аралашувисиз амалга оширилишини назарда тутди [1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда адвокат мустақиллиги кафолатлари таъминланиши лозим. Аҳолига юридик ёрдам кўрсатилиши ва адвокатлик фаолиятига кўмаклашиш учун давлат ҳокимияти органлари адвокатура мустақиллиги кафолатларини таъминлаши керак. Адвокатлар ва адвокатлик фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш малакали юридик ёрдам таъминланган фуқаролик жамияти кураётган давлатнинг вазифаси ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистонда қандай кафолатлар мавжудлигини кўриб чиқамиз [2].

Адвокат юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас. Адвокатга нисбатан жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кўзғатилиши мумкин. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига кўра, адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги ҳам тўғридан тўғри адвокатнинг мустақиллигига ишора қилади [3].

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, адвокатнинг мустақиллиги:

- ✓ унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш;
- ✓ адвокатнинг дахлсизлиги;
- ✓ адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш;
- ✓ адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- ✓ давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади [4].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197¹-моддасида адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, адвокатнинг мустақиллиги борасида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура

институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сонли Фармони қабул қилинди. Фармон адвокатура мустақиллигини кенгайтириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Адвокатнинг мустақиллиги борасида ҳар хил қарашлар мавжуд. С.Г.Иличнинг фикрича, адвокатнинг мустақиллиги ҳуқуқий (ташқи) ва ахлоқий-психологик (ички) таркибий қисмларни ўз ичига олади. Мустақилликнинг ҳуқуқий компоненти – унинг қонуний таъминоти, амалдаги қонунда назарда тутилган кафолатлар тизими, ҳимоячининг фаолиятига учинчи шахсларнинг таъсирини истисно этишга қаратилган.

Мустақилликнинг ахлоқий-психологик (ички) компоненти – бу мустақилликнинг амалдаги кафолатларини ҳимоя қилувчи томонидан қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқларни амалга ошириш учун етарли деб қабул қилиш, улардан фойдаланишга тайёр бўлишдир. Бу адвокатнинг қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ ҳаракат қилиш истаги ҳисобланади. Ҳимоячининг ўз мустақиллигига ишончи бўлмаса, энг мукаммал кафолатлар тизими маъносиз [5].

Дабижа Татьяна Григоревнанинг фикрига кўра, адвокатлик фаолияти ва адвокатуранинг мустақиллиги адвокатларнинг ўз касбий вазифаларини самарали амалга оширишининг зарур шартидир, хусусан, адвокатура институтига юклатилган вазифалар жамият ва давлат манфаатларига мос келади. Ҳимоя функцияларини тўғри ва тўлиқ амалга ошириш учун адвокат муайян даражада қонуний ҳимояланган бўлиши керак, бунинг учун етарли ваколат ва кафолатларга эга бўлиши лозим [6].

Бойковнинг фикрича, адвокатлик касбининг мустақиллиги чегаралари ҳақида ҳали ҳам аниқ тасаввур мавжуд эмаслиги таъкидланган [7].

Россия Федерациясида жиноят ишлари бўйича адвокатнинг фаолияти энг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Кўп жиҳатдан жиноят процессининг концептуал жиҳатдан муҳим тамойилини амалга оширишни таъминлайдиган ҳимоя фаолиятининг асосий, детерминант хусусиятларидан бири – адвокатнинг мустақиллигидир.

Жиноят ишларини юритишда адвокатнинг мустақиллиги қуйидаги кафолат тизими билан таъминланади:

1) жиноят процессининг бошқа иштирокчиларидан қатъи назар, унинг хатти-ҳаракати тактикаси ва стратегиясини шакллантиришга имкон берувчи ҳимоячининг ваколатлари;

- 2) адвокатнинг фаолиятини жиноят процессининг бошқа иштирокчилари таъсиридан ва асоссиз тўсиқлардан ҳимоя қилувчи нормалар мавжудлиги;
- 3) ҳимоячининг ўзи учун белгиланган қонуний талаблар.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш мумкинки, адвокатнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилинишининг таъминланиши ушбу касбнинг нуфузини оширади. Ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда адвокат мустақиллиги кафолатлари таъминланиши лозим. Ҳимоя функцияларини тўғри ва тўлиқ амалга ошириш учун адвокат муайян даражада қонуний ҳимояланган бўлиши керак, бунинг учун етарли ваколат ва кафолатларга эга бўлиши лозим. Шу сабабли, адвокатура соҳасида адвокатнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. А.В.Воръев, А.А.Поляков, Ю.В.Тихонраров, Теория адвокатуры. М., „Грантъ“, 2002, стр. 119.
2. Nurumov D. Role and importance of advocacy in legal support of business entities //The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2020. – Т. 2. – №. 12. – С. 117-122.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/54503>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/29626>
5. <https://www.dissercat.com/content/obespechenie-i-realizatsiya-nezavisimosti-advokata-zashchitnika-v-ugolovnom-protssesse>. Обеспечение и реализация независимости адвоката-защитника в уголовном процессе 2018 — кандидат наук Сибирцев, Георгий Ильич
6. <https://www.dissercat.com/content/obespechenie-garantii-nezavisimosti-advokatskoi-deyatelnosti-i-advokatury>. Обеспечение гарантий независимости адвокатской деятельности и адвокатуры Дабижа, Татьяна Григорьевна.
7. Бойков А.Д. Независимость адвокатуры // Законы России: опыт, анализ, практика. 2007. № 6. С. 97, 98.